



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
QARSHI MUHANDISLIK-IQTISODIYOT
INSTITUTI**



**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND
INNOVATIONS OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
KARSHI ENGINEERING ECONOMIC INSTITUTE**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGI**



**“MOLIYANI RAQAMLASHTIRISH: YANGI
TENDENSIYALAR VA TATBIQ ETISH TAJRIBASI”
MAVZUSIDA RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI ILMIIY-AMALIY ANJUMAN
ILMIY MAQOLALAR VA TEZISLAR TO‘PLAMI
(2024-yil 22-23-noyabr)**

**"ЦИФРОВИЗАЦИЯ ФИНАНСОВ: НОВЫЕ ТЕНДЕНЦИИ
И ОПЫТ ВНЕДРЕНИЯ"
РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
СБОРНИК НАУЧНЫХ СТАТЕЙ И ТЕЗИСОВ
(22-23 ноября 2024 г.)**

**“DIGITALIZATION OF FINANCE: NEW TRENDS AND
IMPLEMENTATION EXPERIENCE”
REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
COLLECTION OF SCIENTIFIC ARTICLES AND THESES
(November 22-23, 2024)**

QARSHI-2024

Moliyani raqamlashtirish: yangi tendensiyalar va tatbiq etish tajribasi. – Qarshi: «Intellect» nashriyoti, 2024 yil. 983 bet.

Mas’ul muharrir: iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent Omanov R.F.

Tahrir hay’ati: i.f.n., dotsent Yakubova Sh.Sh., i.f.n., prof. Ro’ziyev Z.I., i.f.f.d. (PhD), dotsent Samiyev S.I., i.f.f.d. (PhD), dotsent Iskandarov A.M., i.f.f.d. (PhD), dotsent Babaxanov J.M.

Taqrizchilar:

Xamrayeva S.N. – i.f.d., professor, QarMII

Ochilov A.O. – i.f.d., professor, QarshiDU

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2018 yil 21 noyabrdagi PQ-4022 sonli qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” 2020-yil 29-oktyabrdagi PF-6097-son Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ma’muriy islohotlar doirasida oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar sohasida davlat boshqaruvini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2023-yil 4-iyuldagi PQ-200 qarori, hamda “2022-2026- yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli Farmoyishida qo‘yilgan vazifalardan kelib chiqib, iqtisodiyotni, ayniqsa moliya va moliyaviy texnologiyalarni raqamlashtirishi sharoitida xavfsizlikni ta’minlash, moliya, soliq, bank, sug‘urta va boshqa ilg‘or moliyaviy texnologiyalarga asoslangan operatsiyalarni tatbiq etish muammolari va ilmiy-amaliy yechimlari hamda ilmiy-tadqiqot ishlarining sifati va samaradorligini oshirish yuzasidan, respublika yetakchi olimlarining tajribalari bilan o‘zaro fikr almashildi, mamlakatning rivojlanish darajasi va moliyani raqamlashtirish muammolarini yechish va innovatsion texnologiyalar asosida ushbu jarayonni tashkil etishning muayyan tamoyillarini shakllantirgan o‘ziga xos tomonlari o‘rganib, muhokama qilindi. Sohada moliyani raqamlashtirishdagi muammolarni hal qilish bo‘yicha ilmiy xulosa va takliflar tayyorlandi.

Ushbu to‘planning chop etilishi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti, Vazirlar Mahkamasining ilm-fan sohasidagi farmonlari, qarorlari ijrosini amalga oshirishga bag‘ishlangan. Taqdim etilayotgan to‘plam iqtisodiyot sohasi, shu jumladan bank, moliya, soliq, sug‘urta va oliy ta’lim mutaxassisleri hamda keng jamoatchilikka mo‘ljallangan.

Mazkur to‘plam muhandislik-iqtisodiyot instituti Kengashining 2024 yil “_____” _____dagi №_____ -sonli qarori bilan nashrga tavsiya etildi.

To‘plamdagi maqola va tezislarga kiritilgan statistik raqamlar, ma’lumotlar va maqola saviyasi uchun mualliflar mas’uldir.

© Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti, 2024

Taylor, M. (2014). Impact of Working Capital Management on Investor Perceptions and Funding for Small Enterprises. *Investment and Finance Review*, 7(2), 120-135.

Roberts, S. (2012). Sustainability Integration in Working Capital Management for Small Enterprises. *Sustainable Business Journal*, 5(3), 40-55.

Khudayberdievna D. M. Improving the Mechanism of Financial Lending to Agricultural Enterprises. – 2023.

Dustova M. X., Shomurotova S. O. TIJORAT BANKLARIDA KREDIT RISKLARINI SAMARALI BOSHQARISH //Conferencea. – 2022. – С. 119-121.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АҲАМИЯТИ

Хайриддинов Азамат Ботирович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
проректори, и.ф.н. доцент

Ҳасанова Юлдуз Муртазаевна

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Молия” кафедраси катта ўқитувчиси

yulduzhasanova@gmail.com

***Аннотация:** ушбу мақолада хорижий инвестицияларнинг ўрни ва уларни иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти ёритилган бўлиб, статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумотлар кенг ёритилган.*

***Калим сўзлар:** инвестиция, хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инфратузилма таркиби, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, портфел инвестициялар, экспорт, импорт, модернизация, диверсификация.*

***Аннотация:** В данной статье дано обсуждение важности иностранных инвестиций в обеспечении экономической стабильности и анализ на основе статистических данных. Также описаны существующие проблемы с привлечением иностранных инвестиций и меры по их решению. В статье представлена информация о существующих проблемах с привлечением иностранных инвестиций и меры по их решению.*

***Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции, инвестиционный климат, инвестиционная политика, инфраструктура, прямые иностранные инвестиции, портфельные инвестиции, экспорт, импорт, модернизация, диверсификация.*

***Abstract:** This article discusses of foreign investment and its important ensuring economic stability and analyzes it on the basis of statistical data. The article also describes the existing problems in attracting foreign investment and measures to address them. There are proposals to improve foreign investment in ensuring economic stability.*

***Keywords:** investment, foreign investment, investment climate, investment policy, infrastructure structure, direct foreign investment, portfolio investment, export, import, modernization, diversification.*

Қириш

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Инвестиция иқтисодиётнинг

ҳаракатлантирувчи кучи-драйверидир”[1]. Шундай экан бугунги кунда Ўзбекистон инвестициявий муҳитни яхшиланиши натижасида мамлакатимизнинг етакчи иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш, жалб этилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш вазифалари амалга оширилмоқда. Натижада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт- коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бормоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Хорижий инвестицияларнинг аҳамияти борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларида бозор иқтисодиёти шароитида хорижий инвестицияларнинг ўрни, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳоли турмуш сифатини яхшилашга сафарбар этилганлиги, айниқса ижтимоий масалаларга эътибор қаратишнинг зарурати ва уларнинг асосий таркиби кўрсатиб ўтилган. Ислоҳотларнинг изчиллиги талабларини босқичма-босқич амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигининг хорижий тажрибалари М.М.Новиков, А.С.Нешитой, О.С.Сухарев, К.В.Швандар, А.В.Сысоев, В.С.Шапран, Л.В.Шкваря, О.В.Хмыз, Е.Д.Халевинская каби олимларнинг илмий ишлари ва мақолаларида ўрганилган. Хорижий инвестицияларнинг жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришда инвестиция муҳитининг таркиби, хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳимлиги, давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг аҳамияти бўйича билдирилган фикрлар таҳлил этилиб, иқтисодий муаммолар ва самарадорлик ўртасидаги нисбат масалалари А.В.Вахобов, Ш.Х.Хажикаев, Н.Г.Муминов, К.Джураева, Н.Ғ.Каримов, Р.Ходжаев, Н.Қўзиева, Л.Р. Шаюсуповаларнинг монография, ўқув-қўлланма, илмий-услубий ишлари ва илмий мақолаларида тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси

Мақолада мавзу доирасидан келиб чиққан мавзуга оид илмий ва назарий ёндашувлар ўрганилиб мушоҳада қилинган. Тадқиқотда белгиланган мақсадга эришиш учун йўналиш танлаб олинган. Жамлаш, гуруҳлаш ва маълумотлар манбалари ўртасидаги алоқаларни аниқлаш усулларида ва назарий тадқиқотнинг анализ ва синтез усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг миқёсда жалб этиш, авваламбор стратегия ва жорий вазифаларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ. Ушбу вазифаларни бажариш натижасида ўтган йилларда инвестицияларнинг ўсиши жадаллашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

таъкидлаганларидек, “Умуман олганда, келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарур. Натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилади.” [2]. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг муҳим шартини бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттирилмоқда. Инвестициялар жорий даромад олиш ёки келажакда уларнинг қийматини ошириб боришини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига пул, моддий ва номоддий шаклда йўналтирилган узоқ муддатли капитал маблағларидир.[3]

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида янги истиқболда инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш вазифаларини амалга ошириш белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларнинг жалб этилганлиги мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсишининг пойдеворини яратишда, ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги номутаносибликларни бартараф этишда; ҳудудлар экспорт салоҳиятини кучайтириш; импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция имиджи ва инвестиция жозибадорлигини янада яхшилаш, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятидан хабардорликни ошириш, шунингдек хорижий инвесторлар билан ишлашни такомиллаштиришни ва кўрсатилган хизматлар сифатини ошириш мақсадида хорижий инвесторларга кўмаклашувчи гуруҳнинг ташкил этилганлиги, хорижий инвесторлар учун яна бир имконият яратилганлигидан далолат берди. Юртимизда яратилган қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш асносида бир қатор хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ҳам ташкил этилмоқда. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ҳар томонлама қулай, ортиқча ишчи кучига эга бўлган ҳудудларда жойлаштирилишининг белгиланиши мамлакатимизда бандлик масалаларини ижобий ҳал этилишига имкон яратади. Мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит ҳисобига ҳозирги кунда миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларига хорижий капитал иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтиб, уларнинг аксарияти мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулот ўсишида, меҳнатга лаёқатли ишчи ва хизматчиларни янги иш ўринлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, улар Республикадаги асосий ишлаб чиқариш воситаларининг янгиланиш даражасини, яъни маънавий ва жисмоний эскириш коэффициентини пасайтиришга, юридик ва жисмоний шахс солиқ

тўловчилари қаторида солиқ юкини пасайтириш билан бирга, давлат бюджетининг даромадини тўлдиришда, импорт ўрнини босиб, экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришда, хизматлар кўрсатишда ва ниҳоят, эркин валютани тежаш билан бир қаторда, уларнинг миллий иқтисодиётга тушумини кўпайтириб, миллий валюта-сўмнинг барқарорлигини оширишда яқиндан хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилган бўлиб, улар вилоят, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини давр талабига мос равишда шакллантиришда яқиндан кўмак бериб келмоқда. Хусусан, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 7560 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2043 тага ёки 37,0 фоизга ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ҳисобига тўғри келади.

Ушбу ҳолатга тўлиқ амин бўлиш учун қуйидаги қайд этилган 1-жадвал маълумотларига назар ташлаймиз.

**Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги қўшма
корхоналар таркиби [4]**

т/р	Худудлар	Корхоналар сони	Жами корхоналар сонидagi улуши, % да
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	121	1,6
2.	Хоразм вилояти	71	0,9
3.	Навоий вилояти	109	1,4
4.	Қашқадарё вилояти	85	1,1
5.	Самарқанд вилояти	396	5,2
6.	Тошкент вилояти	851	11,3
7.	Тошкент шаҳри	4728	62,5

Худудлар кесимида, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳарда 4728 та жамидаги улуши 62,5 фоизни, Тошкент вилоятида 851 та 11,3 фоизни ва Самарқанд вилоятида 396 тани 5,2 фоизни ташкил этган. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Хоразм вилоятида 71 тани 0,9 фоизни, Қашқадарё вилоятида 85 тани 1,1 фоизни, Навоий вилоятида 109 тани 1,4 фоизни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси 121 тани 1,6 фоизни ташкил этган.

Бизнингча ушбу ҳолатнинг юзага келишига бир қатор объектив сабаб ва омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

Жумладан:

-пойтахтда кўшма корхоналар ишлаб чиқараётган товарлар, бажараётган ишлар ва кўрсатаётган хизматларга талабгор бўлган истеъмолчиларнинг бошқа ҳудудларга нисбатан тўлов қобилияти юқори эканлиги;

-пойтахтда молиявий ва ижтимоий инфратузилмаларнинг нисбатан яхши ташкил этилганлиги;

-темир йўл, аэропорт ва вазирлик ҳамда кўмиталарнинг аксарияти пойтахтда жойлашганлиги сабабли, кўшма корхоналарнинг рўйхатдан ўтиши ва хом-ашё ҳамда материалларнинг импорт ёки тайёр маҳсулотларни экспорт қилишдаги яратилган қулайликлар;

-корхона такрор ишлаб чиқариш мақсадида инвестицион фаолиятини амалга ошириши учун молиялаштириш манбаларининг нисбатан етарлилиги ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг миқёсда жалб этиш ўтиш даврининг стратегик ва жорий вазифаларнинг ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ ҳисобланади. Бугунги кунда иқтисодиётимизга жалб қилинаётган чет эл сармояларини кўпайтириш учун, аввало, инвестиция муҳитини дунё миқёсида белгиланган стандартлар даражасига олиб чиқиш лозим.

Шу билан бирга, инвестициялар оқимига тўсик бўлаётган омиллар, уларни аниқлаш, бартараф қилиш йўллари топиш долзарб аҳамият касб этади. Бинобарин, тўғридан-тўғри инвестициялар мамлакатимиз учун ташқи молиялаштиришнинг муҳим манбаига айлангани, бу инновацион технологияларни тадбиқ қилиш ва бошқарувни яхшилаш нуқтаи назаридан катта иқтисодий таъсирга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь 276 (7778). <https://president.uz/>

3. Гаврилова А.Н. Финансовый менеджмент. - М.: Кнорус, 2005. - 156 б.

4. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments>

53.	Тлеуов М.А. Банклараро рақобатни ривожланишининг зарурий шартлари ва долзарб масалалари	240
54.	Jumanazarov K.S., Qulmurotov S.J., Adxamov Z.A. Hududlarda raqamli moliyaning pul-kredit siyosati asosida asalarichilik klasterlarini tashkil etish va qo'llab quvvatlash	245
55.	Rahmatov A., Baxtiyorova S., Muratova Z., Qo'chqorova X. Raqamli moliyaning pul-kredit siyosati orqali хотин-қизларни тикувчилик тadbirkorligini rivojlantirish	251
56.	Нармаматов И.Б. Возможности повышения уровня платежной системы при совершенствовании денежно-кредитной политики	255
57.	Матекеев А.А. Рақамли иқтисодиётда мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишнинг хорижий давлатлар тажрибалари	260
58.	Махмудов О.Т. Мамлакатимиз тижорат банкларида ички рейтингни жорий этиш ва барқарорлигини таъминлаш истиқболлари	263
59.	Самиев С.И. Ўзбекистон нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришда ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим омил сифатида	268
60.	Ergashev T.K. Investitsiya siyosati va uning inson resurslarini boshqarishdagi o'rni va xususiyatlari	272
61.	Самиев С.И. Республикамиз нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг комбинацияли варианты, яъни жамғарилган фойда (ўз жамғариш фонди) ва акциялар эмиссияси ҳисобидан молиялаштириш	280
62.	Murtazayev N.R. Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning ahamiyati	286
63.	Набиев Ш.К., Жуманова И.У., Журабоев Д.З. Необходимость государственного регулирования инвестиционно-инновационной деятельности предприятий	290
64.	Berdiyev B.Sh. Digital finance and its impact on commercial bank loan portfolios: innovations, risks and strategic responses	296
65.	Dustova M., Abdunabieva N. Effective working capital management as a driver of financial stability in small enterprises	307
66.	Хайриддинов А.Б., Ҳасанова Ю.М. Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда аҳамияти	312
67.	Oramov J.J. Raqamlashtirishning kichik va o'rta korxonalarining moliyaviy barqarorligiga ta'siri	317

“MOLIYANI RAQAMLASHTIRISH: YANGI TENDENSIYALAR VA TATBIQ ETISH TAJRIBASI”

MAVZUSIDA RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI ILMIIY-AMALIY
ANJUMAN
ILMIY MAQOLALAR VA TEZISLAR TO‘PLAMI

(2024-yil 22-23-noyabr)

Muharrir: **B. Musayev**

Musahhih: **I. Tog‘ayev**

Kompyuterda sahifalovchi: **F. Akramova**

Bosishga ruxsat etildi: 27.11.2024 y.

Ofset qog‘oz. Qog‘oz bichimi: 60x84 1/16.

“Cambria” gar. Ofset bosma.

Hisob nashriyot t.: 56,28. Shartli b. t.: 60,31.

Adadi: 10 nusxa. Buyurtma №181

«Intellekt» nashriyotida tayyorlandi.

QarMII kichik bosmaxonasida chop etildi.

180100. Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 225 – uy.

Telefon 91-466-80-32.